



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Габола шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркман халқининг миллий этакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев ва бошқа расмий шахслар ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шерикликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Озарбайжон Президентига қадимдан Буюк ипак йўлидаги муҳим савдо ва маданият марказларидан бири бўлган Габола шаҳрида саммит юксак даражада ташкил этилгани учун самийий миннатдорлик билдирди.

- Сизнинг бевосита ташаббусингиз билан биз охириги йилларда замонавий Озарбайжоннинг кўплаб ҳудудларига ташриф буюрдик. Гўзал Қорабоғ кун сайин обод бўлаётганига, Шуша, Хонкенди, Ағдам шаҳарларидаги улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Албатта, яқин дўстларингиз сифатида бу ижобий жараёнлар бизларни жуда қувонтиради, - деди давлатимиз раҳбари.

Озарбайжон ва Арманистон ўртасида имзоланган Тинчлик декларацияси ташкилот мамлакатларига савдо, иқтисодиёт, транспорт ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар очаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга ТДТга самарали раислик қилгани ва ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга қўшган муносиб ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Саммит кун тартибига ўтар экан, Ўзбекистон етакчиси бугунги халқаро вазиятга қисқача тавсиф берди.

Бу галги йиғилиш мураккаб геосийёсий ўзгаришлар, дунёда ва минтақада хавфсизликка таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда ўтаётгани таъкидланди.

- Яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясидаги жаҳон етакчиларининг чиқиш ва ёндашувлари ҳам замонавий дунёнинг сиёсий ва хавфсизлик архитектураси бўйича яқдил позиция йўқлигини яна бир бор намоён этди, - деди давлатимиз раҳбари.

Шу нуктаи назардан, глобал бошқарув тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, БМТ ва Хавфсизлик Кенгашининг ролини ошириш, шунингдек, халқаро ишларда ривожланаётган мамлакатларнинг овозини кучайтириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Евроосиё китъасида тобора авж олаётган, охири кўринмаётган можаро ва урушлар Ташкилот давлатларига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ҳазо секторидagi фожиа, Украина атрофидаги вазият, Эроннинг ядро дастури муаммоси, Афғонистондаги барқарорлик масалалари жиддий хавотир уйғотмоқда.

Ўзбекистон раҳбари жаҳоннинг қудратли давлатларининг адолатли дунё тартиботини шакллантириш, ўзаро ишонч ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги интилишлари ва янги режаларини олқишлади.

Глобал вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва зарур қарорлар қабул қилиш мақсадида ТДТ мамлакатлари ташқи сиёсий идоралари

ва махсус хизматлари раҳбарларининг қўшма учрашувларини ўтказиш ва бундай форматдаги биринчи йиғилишни келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси қисқа муддатда жадал ривожланиб бораётган нуфузли халқаро тузилмалар қаторига кирган Туркий давлатлар ташкилотининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Олий даражадаги сиёсий мулоқот кенгайиб, ўзаро ишонч мустаҳкамланиб бораётгани, қўшма лойиҳалар ва гуманитар дастурлар фаол амалга оширилаётгани бундан далолат беради.

Бугунги кунда ТДТ доирасида 35 дан ортик йўналишда амалий ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзаро савдо ҳажми барқарор ошиб бормоқда ва 2030 йилга бориб икки баробар кўпайиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқининг асосий қисмида амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг аниқ масалаларига тўхталди.

Ташкилотнинг нуфузи ва салоҳиятини ошириш, яқин истиқболда унинг самарали ҳамкорлик майдони сифатидаги ролини кучайтириш устувор вазифа экани таъкидланди.

- Бу борада Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиқ тўғрисидаги битимни тезроқ келишиб, қабул қилиш тарафдоримиз. Албатта, бу муҳим битим ҳамкорлигимизни ривожлантириш йўлида асосий сиёсий ҳужжат сифатида қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, амалий алоқаларни янги bosқичга олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади, - деди мамлакатимиз етакчиси.

Кўп қиррали шерикликни кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича алоҳида "йўл харитаси"ни

ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Ушбу ҳужжатларда қуйидаги аниқ йўналиш ва чора-тадбирларни акс эттириш зарурлиги қайд этилди.

Биринчидан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш.

Ўзбекистон Президенти яқин истиқболда ТДТ доирасида савдо, бизнес ва ўзаро инвестициялар учун энг қулай шароитлар, ҳуқуқий асос ва инфратузилма яратишни назарда тутадиган Янги иқтисодий имкониятлар маконини шакллантириш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

Амалий ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш, хусусан, Туркий инвестиция жамғармаси доирасидаги режаларни келишиш мақсадида Туркий давлатларнинг иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгашини таъсис этиш муҳимлиги қайд этилди. Доимий асосда фаолият юритадиган ушбу тузилмага Ташкилот мамлакатлари Бош вазирларининг ўринбосарлари раҳбарлик қилиши мумкин. Кенгашнинг Лойиҳа офисини Тошкент шаҳрида жойлаштириш таклиф этилди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, қуйидаги масалалар Кенгашнинг доимий эътиборида бўлиши керак:

- Туркий давлатлар Саноат альянсини тузиш ва шу орқали машинасозлик, тоғ-кон саноати, электротехника, нефть-кимё, фармацевтика, енгил, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида етакчи компанияларнинг кооперация лойиҳаларини илгари суришга кўмаклашиш;

- Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва техник регламентларни яқинлаштириш мақсадида "Туркий яшил йўлақлар" электрон тизимини жорий этиш;

► (Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

ҲАМКОРЛИК ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Ҳеч бир давлат ўз-ўзидан изчил ривожлана олмайди. Ҳамкорликни, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш халқнинг фаровонлигини ошириш, давлатнинг мавқеини мустаҳкамлашда энг муҳим омиллардан биридир. Айниқса, тарихи, ижтимоий психологияси ва иқтисодиёти ўзаро ўхшаш ҳамда бир-бирини тўлдирадиган давлатларнинг ҳамдўстлиги бугунги глобал дунёда ниҳоятда муҳим. Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик шу жиҳатларга асосан давлатимиз ва халқимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда.

Озарбайжоннинг Габола шаҳрида ўтган ТДТнинг навбатдаги саммити, унда билдирилган фикрлар, илгари сурилган таклифлар туркий халқлар жамоатчилиги билан бирга, халқаро жамоатчилик ва экспертлар диққат-марказида турибди,

► (Давоми 2-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА



ЯЛПИ МАЖЛИС: ҲАР БИР БАНД – ҲАЁТ МАСАЛАСИ

ШАХС ҲУҚУҚИДАН ТОРТИБ ИНФРАТУЗИЛМА МОДЕРНИЗАЦИЯСИГАЧА...

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисида ҳам инсонийлик, ҳам демократик нуқтаи назардан муҳим концептуал масалалар кўриб чиқилди, бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

► (Давоми 3-бетда)

САЙЛОВЧИГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ



Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охириги ҳафтасида ўз сайлов округларида бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказишади. Парламент қўйи палатасидаги ЎзДП фракцияси аъзолари ҳам ўтган ҳафтада ўзига тегишли ҳудудларда сайловчилар билан учрашди.

► (Давоми 4-бетда)

МУЛОҲАЗА

БОЛАЛАРИМИЗ ЭРТАКЛАРГА ЭЛ БЎЛСИН

Тўғуруқхонада ҳамширанинг хатоси (у пайтлари бир марталик шприц амалиётда бўлмаган) туфайли "сарик касаллиги"ни юктирган онам ўта оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Олти ёшлар эдим. Уч ёшли укам ва ҳали чилласи чиқмаган чақалоқ синглим бор. Уччаларимизга она қарови зарур ва бу машаққатни момом зиммасига олди.



► (Давоми 6-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

- "яшил" энергетика, "яшил" водород ва аммиак бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, илғор технологиялар, стандартлар ва ваколатларни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш учун "Яшил трансформация" консорциумини ташкил этиш;

- стратегик минераллар хомашё базасини ривожлантириш асосида қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Шу билан бирга, "хомашё - қайта ишлаш - илм ва технологиялар - тайёр маҳсулот" тамойили асосида амалий ҳамкорлик дастурини қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Иккинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Мавжуд салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда, ТДТ мамлакатлари органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича жаҳон етакчиларига айланиши мумкин.

ФАО таҳлилига кўра, бугунги кунда жаҳон органик маҳсулотлар бозори ҳажми 225 миллиард доллардан ошади ва келажақда бу кўрсаткич ҳар йили 10 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Сифатли ва харидоргир органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун илмий-тадқиқот ва селекция, sanoat кооперацияси ва логистика алоқаларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

- Келажақда органик маҳсулотларимиз жаҳон бозорига ягона бренд билан чиқиши мумкин. Бу борада қишлоқ хўжалиги вазирларимиз назоратида Эксперт ишчи гуруҳини ташкил этиб, дастлабки "пилот" лойиҳаларни саралаш ва мамлакатларимизда амалга оширишни тақлиф этамиз, - деди Ўзбекистон етакчиси.

Учинчидан, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш ва халқаро транзит йўлакларини ривожлантириш соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсатни амалга ошириш.

Мамлакатимиз етакчиси Ўрта коридорни изчил ривожлантириш борасидаги режаларни қўллаб-қувватлаб, ушбу йўналишнинг рақобатбардошлигини

таъминлаш ва бизнес ҳамжамияти учун энг қулай шароитлар яратиш муҳим эканини таъкидлади.

Шу маънода, мақбул транзит тарифларини қўллаш, замонавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва рақамли божхона тартиб-таомилларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта коридор қурилаётган Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон темир йўли ва истиқболли Трансафғон йўлаги билан боғланса, улкан минтақада кўп тармоқли, стратегик магистраль йўллар тизими яратилади.

Транспорт соҳасига оид бу ташаббусларнинг барчаси 12 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Мультимодал ташувлар бўйича халқаро форум доирасида атрофлича муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Тўртинчидан, кенг кўламли sanoat ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун самарали молиявий воситаларни жорий этиш.

Ўзбекистон Президенти Туркий инвестиция жамғармаси фаолиятини кенгайтириш, ИТБ, ЕТБ ва бошқа халқаро ҳамда миллий молия институтлари билан Стратегик ҳамкорлик дастурини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Бешинчидан, барқарор ривожланишнинг муҳим драйверларига айланаётган сунъий интеллект, рақамлаштириш ва креатив иқтисодиётни ривожлантириш.

Ушбу йўналишлардаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилиш тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда Туркий дунё халқаро кўргазмасини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Олтинчидан, "Жаҳолатга қарши – маърифат" тамойили асосида илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш.

2025-2026 йилларда мамлакатимиз 100 дан ортиқ таълим муассасаларини бирлаштирган Туркий университетлар иттифоқига раислик қилиши таъкидланди. Келгуси ҳафта Тошкентда иттифоқнинг Бош ассамблеяси

бўлиб ўтади.

Ўзбекистон раислик даврида "Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари"ни ўтказиш ниятида.

Ўзбекистон Президенти илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни мустақамлаш, иктидорли олимларнинг тадқиқотларини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда Туркий давлатлар халқаро университети ўз фаолиятини бошлаётганини маълум қилди. Давлатимиз раҳбари унинг негизида Қўшма тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқишни тақлиф этди.

Еттинчидан, ёшлар орасида ёт ва бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олиш.

Шу муносабат билан Туркий давлатлар маконида экстремистик ва радикал мафкурага қарши курашиш бўйича Ҳаракатлар режасини қабул қилиш тақлиф этилди.

Ўзбекистон, шунингдек, исломофобиянинг барча кўринишларига қарши курашишга қаратилган яқин мулоқотни давом эттиради.

Бундан ташқари, Ташкилот доирасида ёшлар ўртасида экологик билимлар бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси яна бир муҳим масалага эътибор қаратди.

- Биз келгуси йилда буюқ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 585 йиллиги ҳамда улуг озарбайжон шоири Низомий Ганжавий таваллудининг 885 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ана шу мумтоз сиймоларнинг инсонпарварлик, ўзаро дўстлик ва бирдамлик ҳақидаги ғоялари, бебаҳо адабий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида "Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди – Туркий дунё маънавий ҳаётида" мавзусида халқаро илмий конференция ўтказишни тақлиф этамиз, - деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда хорижий давлатлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди. Саммит якунида Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қўшма қарор ва ҳужжатлар тўплами қабул қилинди.

prezident. uz

МУНОСАБАТ

ҲАМКОРЛИК ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ташкилотнинг Самарқанд саммитида Туркий давлатлар ташкилотининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегиясини қабул қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган эди. Ўтган қисқа вақт мобайнида туркий давлатлар ҳамкорлиги фаол амалий босқичга ўтмоқда. Иқтисодиёт, инвестиция, ижтимоий ҳамда маърифий муносабатлар изчил интеграция даврига кириб бормоқда.

Ғабаладаги саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қардош халқлар фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган янги ғоя ва ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартнома тез фурсатда қабул қилиниши қўллаб-қувватланди, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқилди.

Давлатлар иқтисодиёти ва халқларнинг ижтимоий ҳаётида ҳамкорликни изчил ривожлантириб бориш кенг қамровли ёндашувни талаб қиладиган мураккаб ва қизғин жараён. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегия муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин эндиликда олдинда янги вазифалар, янги натижаларга эришиш масъулияти турибди. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг 2030 йилгача бўлган стратегияни белгилаб олиш тақлифи чуқур ҳаётий асосларга эга.

Туркий давлатлар умумий аҳолиси 175 миллион нафардан ортиқ бўлиб, харид қобилияти паритети бўйича умумий ялпи ички маҳсулот 5,6 трлн долларга етаркан. 2024 йилда ташқи савдо айланмаси 1,2 трлн доллардан ошгани ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо улуши бу рақамда салмоқли ўринга чиқиб улгургани йўқ. Шунинг учун иқтисодий ҳамкорликни жадал ривожлантиришга эҳтиёж юқори.

Сабаби, Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари иқтисодиётлари кўп томонлама бир-бирини тўлдирувчи, албатта, қўллаб-қувватловчи хусусиятларга ҳам эга. Халқларимизнинг анъанавий турмуш тарзи, кундалик истеъмол ва харид эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бир-бирига жуда яқин. Ечимини кутаётган ижтимоий масалаларимиз ўхшашиб кетадиган ҳолатлар оз эмас. Демак, мамлакатларимиз ўртасида ижтимоий интеграцияни ривожлантириш бўйича ҳам кенг ва катта имкониятлар бор.

Яқин ҳамкорлик, борди-келдини кўпайтириш, ўртадаги масофани яқинлаштириш учун биринчи навбатда ишончли йўл,

шунга мос инфратузилма керак. Мустаҳкам ва доимий йўлларсиз стратегик ҳамкорликни изчил олиб бориш кийин.

Ўзбекистон Президенти Ўрта коридорни ривожлантириш, уни Хитой – Қирғизистон - Ўзбекистон темир йўли ҳамда Трансафғон йўлаги лойиҳалари билан боғлашни қўллаб-қувватлагани, божхона тартиботини рақамлаштириш ва тарифларни оптималлаштириш муҳимлигини таъкидлагани шу жиҳатдан долзарб аҳамиятга эгадир.

Мутахассислар хулосасига кўра, давлатларимиз ўртасида тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, электрон тижорат платформаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ битим ва келишувлар ишлаб чиқилиши лозим. Ҳозирга қадар ташкилот доирасида Соддалаштирилган божхона йўлаги тўғрисида битим имзоланишидан ташқари, рухсатнома тусидаги ҳужжатларни рақамлаштириш, хавфларни бошқариш ва ваколатли иқтисодий операторларни ўзаро тан олиш бўйича муҳим қадамлар қўйилган. Шу билан бирга, фаол ва тез ўзгарувчан технологик тараққиёт даврида ҳамкорликни барча йўналишларда қамраб олиш, изчиллик билан давом эттириш лозим бўлмоқда.

Ҳар бир йўналишда ҳамкорликни кучайтириш сиёсий, иқтисодий муносабатлар билан бирга, илмий-амалий яқинлик кенгайтиришга ҳам боғлиқ, албатта. Шу маънода Ўзбекистон раҳбари юртимизда қўшма тадқиқотлар ва инновациялар майдонига айланадиган Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилишини эълон қилиши барчамиз учун яна бир қувончли хабар бўлди. Қўшма тадқиқот ва инновациялар илдизи чуқур халқларимизнинг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Туркий давлатлар ташкилотининг истиқболига ишонганлар кўп. Аввало халқларимиз қалбидаги ўзаро меҳр-муҳаббат ёрқин истиқболнинг манбаи, десак, тўғри бўлади. Албатта, қардош давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси, бағрикенглиги ва дипломатик шижоати ҳали катта ютуқ ва натижаларни олиб келади.

Қардош халқлар бир фикрда собитлиги кўринмоқда: катта ҳудуд, салмоқли аҳоли, узвий тарих ҳамда кенг имкониятларга эга туркий халқларнинг қатъий ҳамкор бўлиши мураккаб глобал шароитда муносиб позицияда туришимизда ҳаммамиз учун ниҳоятда муҳимдир.

Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчили
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси
раҳбари

ЖАРАЁН

Глобал иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасида шиддатли таъсир кучига эга бўлиб бораётган сунъий интеллект ёхуд сунъий идрок инсониятнинг ривожланиш суръатини бир неча баробарга тезлаштириб юборди. Биз деярли ҳар кuni унинг янгидан-янги имкониятлари ҳақида янгиликларга дуч келмоқдамиз, ҳайратланмоқдамиз ва маълум бир хавотирларимиз ҳам йўқ эмас.

Халқаро экспертларнинг фикрича, 2030 йилга келиб дунё бўйлаб бандликнинг қарийб 40 фоизи автоматлаштирилади. Бу айни дамда юз миллионлаб инсонлар ишлаб, даромад топаётган касб ва ихтисосликлар тамомила сунъий интеллект қўлига ўтади деганидир.

Мана шундай бир даврда сунъий интеллект бўйича халқаро даражадаги мутахассисларни тайёрлаш ҳар бир давлат ва жамият олдига қатор муҳим

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЖАДАЛЛАШАДИ

вазифаларни қўймоқда. Зеро, "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳам сунъий интеллект технологияларини давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга интеграция қилиш вазифалари кўзда тутилган.

6 октябрь кuni давлат раҳбари сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ҳамда уларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга кенг жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда бу соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилиб, мамлакатимиз сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича халқаро рейтингда 17 поғона юқорилади. Ҳозирда Ўзбекистон 188 давлат ичида 70-ўринни, Марказий Осиё бўйича эса биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Албатта, бу сингари натижалар қувонарли, аммо олдинда



ечимини кутаётган вазифалар ҳам бор. Шу нуқтаи назардан ўтган йили Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси қабул қилиниб, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида махсус марказ ташкил этилгани айтиб ўтилди.

Маълум бўлишича, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект лойиҳаларини жорий этиш мақсадида 50 миллион доллар маблағ ажратилган. Соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология ва молия соҳаларини қамраб олган 86 та лойиҳа шакллантирилди. Ҳозирда сунъий

интеллектни қўллаш учун зарур ҳисоблаш имкониятларини яратиш мақсадида "суперкомпьютер кластери"ни ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

- Сунъий интеллектни тезроқ ривожлантириш учун доимий равишда илғор, ўзини оқлаган хорижий ва маҳаллий тажрибаларни ўрганиб бориш зарур. Бунинг учун соҳада самарали фаолият юритаётган ватандошларимиз, хорижий экспертлар ва хусусий сектор билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш керак, - деди Президент.

Тақдимотда сунъий интеллект соҳасида замонавий ҳисоблаш қувватларини ўзимизда яратиш, маълумотлар марказларини қуриш ва бунга инвестиция киритмоқчи бўлган тадбиркорлар учун жозибадор муҳитни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Сунъий интеллектни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил, аниқки, малакали кадрлар

тайёрлаш билан боғлиқ. Бу ишни мактаблардан бошлаш, информатика ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, янги авлод дарсликларини ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Соҳада кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида кўплаб дастурлар амалга оширилаётгани ҳам тилга олинди. Жумладан, "Бир миллион сунъий интеллект етакчилари" миллий дастури доирасида ёшлар учун aistudy.uz ва otp.aistudy.uz платформалари ишга туширилган. Уларда СИ бўйича 5 та бенул онлайн ўқув дастури йўлга қўйилган. Дастур доирасида 2027 йилга қадар 1 миллион нафар ёшлар сунъий интеллект соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Тақдимот сўнгига мамлакатимизда сунъий интеллектни жорий этишни янада жадаллаштириш, илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш, соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз

ПАРЛАМЕНТДА

ЯЛПИ МАЖЛИС: ҲАР БИР БАНД – ҲАЁТ МАСАЛАСИ

ШАХС ҲУҚУҚИДАН ТОРТИБ ИНФРАТУЗИЛМА МОДЕРНИЗАЦИЯСИГАЧА...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ШОВҚИН ҚИЛМАНГ, ЭНДИ УНГА ҚАРШИ ҚОНУН БОР

Шовқин кундалик ҳаётимизда сезилмаса-да, аммо бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Инсонлар ўз уйида, маҳалласида тинч яшаши учун бу борада аниқ тартиб ва ҳимоя зарур, албатта. Шу сабабли аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан асрашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Қўйи палатанинг кун тартибида қўрилган биринчи масала — “Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди. Ҳужжат иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар, қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзолари ва соҳа мутахасссларининг таклифлари асосида иккинчи ўқишга тайёрланган ва тақомилига етказилган.

Хусусан, лойиҳа билан фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақтлар оралиғини амалдаги етти соатдан (соат 23.00 дан 06.00 гача) саккиз соатга (соат 23.00 дан 07.00 гача), дам олиш кунлари ва қонунчилик билан белгиланган ишланмайдиган байрам кунлари эса соат 22.00 дан 09.00 гача бўлган вақт оралиғига ўзгартириш таклиф этилмоқда. Ушбу вақт оралиғида фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, аҳоли истиқомат қиладиган кўп квартирали уйларда шовқиннинг йўл қўйиладиган даражасидан ошадиган қурилиш ва таъмирлаш ишларини иш кунлари соат 09.00 дан 18.00 гача амалга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

Шовқиннинг зарарли таъсири натижасида етказилган зарар учун компенсация суд тартибида ундирилиши, компенсация тўлаш шовқиннинг зарарли таъсирининг олдини олишга қаратилган тадбирларни бажаришдан озод этмаслиги, шовқинининг йўл қўйиладиган даражасидан юқори бўлган меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларнинг меҳнати учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка асосан оширилган миқдорда ҳақ тўланиши белгиланмоқда.

Фуқароларнинг осойишталигини ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақт оралиғида белгиланган нормадан ортиқ шовқинга мунтазам равишда йўл қўяётган объектлар фаолиятини тўхтатиб туриш механизми аниқлаштирилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг саломатлиги ва осойишталигини ҳар қандай зарарли шовқинлар таъсиридан ҳимоя қилиш борасида самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди

ШАХСИЙ ТАСВИР – ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚ

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги бугунги рақамли асрда ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, оддий инсонларнинг суратлари ва тасвирларининг уларнинг розилигисиз оммага тарқалиш хавфи кучаймоқда. Шунинг учун шахсларнинг тасвирга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи қонунчилик даражасида муҳокама қилинмоқда.

Ялпи мажлисда депутатлар шахсларнинг тасвирга бўлган ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишди.

Лойиҳа билан шахсни тасвирга олиш ва ундан фойдаланиш учун розилик олиш мажбурий шартлиги, шахсни тасвирга олиш ва ундан фойдаланишда болалар ҳуқуқнинг мустақил субъекти эканлиги белгилаб қўйилмоқда. Шунга кўра тасвирга олиш ва ундан рухсатсиз фойдаланиш мумкин бўлган ҳоллар доираси ҳамда видеокузатувни амалга оширишда шахсий дахлсизлиқни таъминлашга оид талаблар белгиланяпти.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар берган таклифлардан келиб чиқиб, ҳар хил ёндашувларнинг олдини олиш, қонун



нормаларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида айрим ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, тасвирга олишда ва ундан фойдаланишда ўн олти ёшга тўлмаган вояга етмаганлар номидан розилик уларнинг ота-онасидан бири ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар томонидан берилиши, жамоат жойларида видеокузатув тизимлари ўрнатилган тақдирда, бу ҳақда барчага кўринадиган жойда ва шаклда огоҳлантирувчи белги ўрнатилиши шартлиги назарда тутилмоқда.

Шунингдек, видеокузатув камераларини ўрнатиш мумкин бўлмаган жойлар доираси, хусусан, кийиниш хоналарида, ҳожатхоналарда видеокузатув тизимлари ўрнатилиши мумкин эмаслиги аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга, шахсларнинг тасвирга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ВАЗИР АХБОРОТ БЕРДИ

Ялпи мажлисда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. Ҳидоят-нинг “Оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида”ги ахбороти эшитилди.

Ш.Ҳидоятовнинг қайд этишича, республикамиз ҳудудларида аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминотини ошириш ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2022-2024 йилларда республика бюджети маблағлари ҳисобидан 78 та оқова сув иншооти, 115 та оқова сув кўтариш иншооти, 1 028 км оқова сув тармоқларини қуриш ишлари амалга оширилган.

Савол-жавоб ва муҳокамаларга бой бўлган мажлисда депутатлар томонидан соҳада яшил энергия улушини ошириш, ичимлик суви сифатини таъминлаш, оқова сувлардан қайта фойдаланишни ташкил этиш ва оқова сувлар таркибини онлайн мониторинг қилиш тизимини яратиш бўйича бир қатор таклифлар берилди.

Мажлисда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилиниб, кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

ҲОКИМ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ РЕЖАСИНИ ҲАМ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга ҳоким лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури билан

бир қаторда коррупцияга қарши курашиш режасини ҳам тақдим етишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунларга Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод унинг номзоди Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чораларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасидан ташқари коррупцияга қарши курашиш режасини тақдим этиши ҳам назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳокимлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулияти ва ҳисобдорлигини оширишга, уларнинг коррупциянинг олдини олиш бўйича вазифалари ижроси самардорлигини таъминлашга қаратилган.

Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ЕР РЕСУРСЛАРИНИ ОҚИЛОНА БОШҚАРИШ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ АСОС

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ўтган йили Қонунчилик палатаси депутатларига фермерлардан етиштирган ҳосилни республика бўйлаб эркин реализация қилишда айрим тўсқинликлар бўлганлиги юзасидан мурожаатлар келиб тушган эди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда давлат фуқаролик хизматчиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Амалиётда айрим ҳолларда давлат фуқаролик хизматига кирган фермерлар номидаги фермер хўжалигини бошқа шахсга ўтказа олмаяпти. Бу эса, ўз навбатида қонун бузилиши ҳамда коррупция ҳолатлари юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда тадбиркорларнинг ўз товарларини (ишларини, хизматларини) бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Шунингдек, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашинишга ҳақли эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда товарлар (ишлар, хизматлар) ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига ва (ёки) реализация қилинишига аралашганлик ёҳуд тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг

ижарачиси ижарага олиш шартномаси бўйича ўзига ижарага берилган икки ёки ундан ортиқ ер участкаларидан бири ёки бир нечтаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиши (қисман қайта ижарага бериши) мумкинлигини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги раҳбари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайдиган ишга қабул қилинган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўз оила аъзоларидан бирига қонунчиликка мувофиқ ижара шартномаси амал қиладиган муддатга беришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ДАВЛАТ БОЖИНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

Мажлисда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мантикий давоми бўлиб, у билан “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига қатъ эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш соҳасида кўрсатиладиган айрим давлат хизматлари учун давлат божидан озод этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Жумладан, “Ватандош” картаси эгалари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда, уларнинг оила аъзолари амалдаги виза муддатини кўп марталик қилиб узайтирганда, шунингдек, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда ва рўйхатга олинган муддатини узайтирганда давлат божидан озод этилиши назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар ҳорижда истиқомат қиладиган ватандошларга Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий шароитларни яратишга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Мажлисда депутатлар Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаевнинг ёшларнинг бўш вақтидан мазмунли фойдаланиши ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишига доир парламент сўровига берилган жавобини кўриб чиқишди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган “Беш ташаббус олимпиадаси” бугунги кунда ёшларнинг салоҳиятини намоён этиш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этишнинг самарали механизмларида бирига айланган. Ҳисобот даврида 15,4 миллиондан зиёд ёшлар қамраб олинган 524 мингга яқин тадбирлар ташкил этилган.

2025 йил 5 сентябрь ҳолатига жамғармаларда 336 млрд сўм маблағ шаклланган бўлиб, йил бошидан 45 минг нафар ёшга 188 млрд сўмлик моддий қўллаб-қувватлаш кўрсатилган.

Мажлисда ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларни бандлик, таълим, тадбиркорлик ва фермерликка жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётгани, шу билан бирга, соҳада ечимини қутаётган бир қатор масалалар борлиги қайд этилди.

Депутатлар томонидан бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, жойларда ижро интизомини таъминлаш ва ёшларга яратилган имкониятлардан ҳар бир йигит-қиз хабардор бўлиши ва ундан самарали фойдаланиши учун тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда Ёшлар ишлари агентлигининг парламент сўровига жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Лаизза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳоли билан очик мулоқотлар давомида кўтарилган муаммолар қонуний ваколатлар доирасида ҳал этилди. Айрим масалалар назоратга олиниб, уларнинг ечими юзасидан тегишли вазирликларга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.



САЙЛОВЧИГА ЯНАДА ЯҚИНРОҚ



Қонунчилик палатасидаги депутатимиз Муқаддас Ҳазратилева Зомин туманидаги “Ёшлик” маҳалласида ҳудуд аҳолиси билан учрашув ўтказди.

Учрашувда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди. Жумладан, 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилгани, 2024 йилда камбағаллик даражаси 8,9 фоизга туширилгани ва бу йил якунига қадар бу кўрсаткични 6 фоизгача қисқартириш мақсад қилингани айтиб ўтилди.

Шунингдек, депутат мулоқот давомида аҳоли фикрларини тинглаб, уларнинг таклифларини ўрганди. Билдирилган муурожаатлар бўйича тегишли режалар ишлаб чиқишга, аниқ таклифлар тайёрлашга қарор қилинди.

Депутатимиз Зокиров Зоҳидов Риштон туманидаги “Пастки Пешкапа” маҳалласида бўлиб аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди ва маҳалла еттичилиги фаолияти билан яқиндан танишди.

Мулоқотда фуқаролар томонидан билдирилган долзарб масалалар, хусусан, ижтимоий инфратузилма, таълим ва коммунал хизматларга оид муаммолар тингланди.

Шунингдек, депутат ҳудуддаги 5-сонли умумтаълим мактаби ҳамда 41-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотиди ўрганишлар олиб борди.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддилар билан боғланиб, зарурий чоралар кўришга келишиб олинди.

Фракциямиз аъзолари Дилбар Мамаджанова ва Шокиржон Аҳмедов Фарғона шаҳридаги 25-, 26-сонли мактабларга бориб, очик мулоқот ўтказишди.

Мулоқотда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясидаги нутқида илгари сурилган фикрлар, қалъи ва ташаббуслар аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

Учрашув қатнашчилари педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш борасида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлашларини қайд этишди.

Яна бир депутатимиз Зулайхо Акрамова иштирокида Фориш туман ҳокимлигида маиший коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

З.Акрамова коррупция ҳолатларининг 75 фоизи шаҳар ва туманларда маиший шаклда бўлаётгани, кўп ҳолларда бу иллатнинг сабаблари четда қолиб, оқибати билан курашилаётгани, одамларнинг кундалик иши тушадиган ҳокимлик,

кадастр, банк ҳамда солиқ идораларида бюрократия ва “коррупцион тўйнуқлар”нинг тўлиқ бартараф этилмаганини айтиб ўтди.

Фракциямиз аъзоси Шарофиддин Назаров Косон туманидаги “Юқори Майдаёбу” маҳалласида сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда депутат маҳалла еттичилиги фаолияти билан яқиндан танишиб, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-

““

АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМИДА КЎТАРИЛГАН МУАММОЛАР ҚОНУНИЙ ВАКОЛАТЛАР ДОИРАСИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ. АЙРИМ МАСАЛАЛАР НАЗОРАТГА ОЛИНИБ, УЛАРНИНГ ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИКЛАРГА ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛАДИГАН БЎЛДИ.



моҳияти, маиший коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларда коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Шу билан бирга депутат сайловчиларнинг муурожаатларини қабул қилди.

Депутатимиз Сайёра Имомова Бўзатов

тумани ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектлари билан яқиндан танишди.

С.Имомова дастлаб, тумандаги 8-сонли мактабгача таълим ташкилотиди бўлди ва бу ерда тарбияланувчилар учун яратилган имкониятларни ўрганди. Шундан сўнг 2-сонли умумий ўрта таълим мактабига бориб, ўқувчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Шунингдек, ҳар бир ижтимоий соҳа объектида куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари сифати, иситиш ускуналарининг ҳолати, хоналарнинг иссиқлик даражаси ўрганилди.

Яна бир депутатимиз Зуҳра Шодиева Ширин шаҳар тиббиёт муассасасида соҳа ходимлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамияти кенг тушунтирилди.

Депутат коррупцияни жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи энг оғир иллатлардан бири сифатида баҳолаб, тиббиёт соҳаси фаолиятида ҳам ҳалоллик ва шаффофликни таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Фракциямиз аъзоси Ирина Токарева Янгихаёт туманидаги “Марҳамат” маҳалласида бўлиб, сайловчилар билан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, камбағалликни қисқартириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва яратилаётган янги иш ўринлари ҳақида атрофлича суҳбат олиб борди.

Депутатимиз доимий равишда аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказиш мавжуд муаммоларни аниқлаш, маҳалла аҳолиси ҳаётини яхшилашга қаратилган амалий ечимлар ишлаб чиқишда асос бўлишини алоҳида таъкидлади.

Фракция аъзоси Фирдавс Шариповнинг айтишича, бу галги учрашувлар, ўрганишлар, тарғибот ҳамда назорат-таҳлил тадбирлари ҳам жуда самарали кечди.

Депутат дастлаб Денов туманидаги Сина ҳудудий туғуруқ бўлимининг янги қурилган биносиди бўлди. Маълум бўлишича, аввалги учрашувларда пудратчи, лойиҳачи, бюртма берувчилар билан суҳбат ўтказилиб, қурилиш ўз муддатида ва сифатли тарзда амалга ошириш бўйича депутатлик назорати олиб борилди.

Таъкидлаш керакки, комплексда замонавий тарзда қурилиш ишлари амалга оширилган. Энди бинони талаб даражасида жиҳозлаш масаласи ҳам депутатлик назоратига олинди.

Шунингдек, тумандаги “Сина” маҳалласи ҳудудиди қурилайётган кўприк ва “Дашти чинор” маҳалласи Ушор ва Сина кишлоқлари ҳудудидан оқиб ўтувчи “Обидара” сойининг сел сувлари оқибатида емирилган 900 метр қисмини муҳофаза қилиш иншоотининг қурилиш жараёнлари ўрганилди. Мазкур қурилиш ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун тегишли тавсиялар берилди.

Сайловчилар муурожаатларига кўра, сел тошқини натижасида “Сина” ва “Файзобод” маҳаллаларини бир-бири билан боғловчи кўприк бузилган эди. Масалани жойига бориб ўрганиб, кўприкни қайта қуриш бўйича тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборишга қарор қилинди.

Учрашувлар давомида “Сина”, “Даҳана”, “Меҳнатобод”, “Соҳибкор” маҳаллаларида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг йўналишлар кесимида ижро этилиш ҳолати, маиший коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳамда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлиги ўрганилди.

“Меҳнатобод” маҳалласидаги 11-сонли оилавий поликлиника ва туман тиббиёт фойдаланиш, коррупциявий ҳолатларга йўл қўймаслик каби масалалар ўрганилиб, беморлар ва фуқаролар билан мулоқот олиб борилди.

Шунингдек, тумандаги 57-, 60-ва 91-сонли мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари таҳсил оладиган қўшимча бинолар ҳолати кўриб чиқилди. Жараёнда аҳоли томонидан ушбу қўшимча бинолар ўрнига алоҳида янги бино қуриш зарурлиги бўйича муурожаат қилинди. Мазкур муурожаат бўйича масъул идоралар билан боғланиб, ижобий ечим топиш бўйича тавсиялар берилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла еттичилиги ва сайловчилар билан учрашувларда коррупцияга қарши курашиш ва бу борада қабул қилинаётган қонунлар, айна пайтда қуйи палата муҳокамасида бўлган қонун лойиҳалари ва қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди.

Шу билан бирга, бир қатор таклифлар олинди. Ўрганилган масалаларнинг ижро этилиши устидан депутатлик назорати ўрнатилди. Аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва таклифларни ўрганиб чиқиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз муҳбиримиз

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

“СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА” ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА



Партия ташаббуси билан қатор лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Лойиҳалар доирасида эҳтиёжманд аҳолининг иш жойларига эга бўлаётгани, ижтимоий ҳимоя, сифатли таълим ва тиббий хизмат олишлари етди ерданлар кўрсатилаётгани ҳамда самарали натижаларга эришилаётгани ҳам

айни ҳақиқат.

Жумладан, Халқ демократик партияси Тупроққалъа туман кенгаши томонидан туман тиббиёт бирлашмасида “Соғлом она – соғлом бола” лойиҳаси доирасида аҳоли учун чуқурлаштирилган бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

Кўрик давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар аъзолари, хотин-қизлар, болалар ва нурунийлар соғлиги текширувдан ўтказилди.

Текширувга келганларнинг аксарияти ёш болали аёллар эди. Уларга шифокор Г.Ботирова болалар парвариши, уларда кузатиладиган патологик ҳолатлар ва касалликларнинг эрта олдини олиш борасида муҳим тавсияларини берди.

Соғлигида муаммо аниқланган беморларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилди.Инсон ҳаётида соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш, жисмоний тарбиянинг ўрни хусусида мутахассислар томонидан тушунтиришлар берилди.

МУАММОГА МУЛОҚОТ ОРҚАЛИ ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

Партиямизнинг Учтепа туман кенгаши ташаббуси билан “Учтепа” маҳалласида сайёр қабул ўтказилди. Мулоқотнинг асосий мақсади фуқароларнинг муаммоларини тинглаш ва уларни жойида ҳал этишга қаратилди.

Сайёр қабулда Учтепа туман кенгаши раиси Ш.Холиқов ва туман ҳокимлиги вакиллари фуқароларнинг муурожаатларини тинглади. Қабул жараёнида иш билан таъминлаш, моддий ёрдам, уй-жой, пенсия ва нафақа, олий ўқув юртига ўқишга кирган талабаларнинг контракт тўловлари бўйича имтиёзлар ва бошқа масалалар юзасидан муурожаатлар қайд этилди. Масъуллар ҳеч бир муурожаатни эътибордан четда қолдирмади. Кўпчилигига шу жойнинг ўзида тегишли ташкилотлар билан боғланиб, ижобий ечим топилади. Вақт талаб этадиган муурожаатларнинг ижроси депутатлар назоратига олинди.



Фуқаролар билан мунтазам равишда ўтказилаётган бундай очик мулоқотлар муаммо ва камчиликларнинг вақтида аниқланиши ва ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса фуқароларда депутатларимизга нисбатан ишонч ва мамнуният ҳиссини мустаҳкамлайди.



ХДП ТАШАББУСИ

Инсон учун энг бирламчи эҳтиёж нима? Муносиб шароитда ва хотиржам яшаш. Халқимиз характери ҳамда тутумларидан келиб чиқиб айтсак, рўзғорида қора қозон қайнаб турса, фарзандларнинг таълими ва келажаги учун бемалол сармоя киритса, бунинг учун иш жойи тайин, даромади барқарор бўлса, бас.

Агар қарични баландроқ олсак, жамиятда шахсларнинг умумэҳтиёжи ижтимоий адолат, ижтимоий барқарорлик ва тенглик тамойиллари ўстуворлигини талаб қилади. Инсонларда давлат сиёсатидан, ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан розилик ҳиссини оширишда бу тамойиллар асосий мезон ҳисобланади.



КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ: ПАРТИЯНИНГ ЁНДАШУВИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий мақсад ва ғоялари ҳам айнан шу ҳақиқат асосига қурилган.

Маълумки, сўнгги йилларда юртимиз аҳолиси учун муқим иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартириш саъй-ҳаракатлари ижтимоий-иқтисодий ислохотларда жиддий қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Зеро, 2023 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда ҳам меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, давлат фуқароларнинг бандлигини кафолатлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши каби муҳим мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Шундан келиб чиққан ҳолда қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган комплекс чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши, ушбу соҳада зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилаётгани натижаси ўлароқ юртимизда камбағаллик даражасини 2023 йилда 11 фоизга, 2024 йилда эса 8,9 фоизга камайтиришга муваффақ бўлинди. Яқинда Наманган шаҳрида ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форумида қайд этилганидек, жорий йилда бу борадаги кўрсаткични 6 фоизга тушириш режа қилинган. 2026 йилда мамлакатда камбағалликни 2 баробар, 2030 йилгача эса кескин қисқартириш вазифаси қўйилган.

Бундай стратегик мақсадга эришиш йўлида барқарор даромад манбаларини кўпайтириш, иқтисодиётнинг мунтазам

ўсишини таъминлашга доир қатор дастур ва лойиҳалар амалга ошириляпти. Шу билан бирга, камбағаллик сабабларини ўрганиш, таҳлил ва татқиқ қилиш, фаровонликка интилиш масалаларида илмий ёндашувларни кенгайтириш, янги таклиф ва ташаббусларни шакллантириш долзарб аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, ҳаётга татбиқ этилаётган ташаббуслар аниқ асосланган ва тизимли бўлиши учун мунтазам

равишда илмий доира вакиллари, соҳа мутахассислари иштирокида турли тадбирларни ўтказиб келмоқда. Мавзу юзасидан очиқ мулоқот платформасини яратишга ҳаракат қилияпти.

Самарқанд шаҳрида “Камбағалликдан фаровонлик сари: партиявий ёндашув ва амалий ташаббуслар” мавзусида ташкил қилинган республика илмий-амалий конференцияси бунга ёрқин мисолдир.

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонидан ушбу конференция ҳақида хабар берган эдик. Мавзунинг долзарблиги, қолаверса, диққатга молик таҳлилий ёндашувлар, таклиф ва тавсиялар илгари сурилгани нуқтаи назаридан яна бир бор анжуман ҳақида батафсил сўз юритишни лозим топдик.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш жиддий масъулият, улкан тажриба, аниқ стратегияга асосланган қадамларни талаб этади. Бу борада турли давлатлар самарали моделлар яратган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов ўз нутқида мазкур моделларни ўрганиб, энг илгорларини амалга жорий этишда ҳар бир мамлакат ўз миллий хусусиятларига таянмоғи зарур эканини таъкидлади. “Шунинг учун камбағалликни қисқартириш бўйича илмий тадқиқотлар, таҳлиллар, факт ва рақамларга асосланган хулосалар, энг асосийси, янги таклиф ва ташаббуслар ниҳоятда муҳим”, деди У. Иноятов.

Тан олиш керак, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари изчил ошаётганига қарамай, аҳолининг муайян қатламлари ҳали ҳам ижтимоий ҳаётда муайян қийинчиликларга дуч келмоқда.

Қишлоқ жойларда иш ўринларини етарли, ижтимоий инфратузилма, таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини юқори даражада, дейишга ҳали эрта. Бу эса жамиятда камбағалликни қисқартириш, ижтимоий тенгсизликка барҳам бериш жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Камбағаллик давлат ва жамият учун оғриқли мавзу аслида. Бу ҳолат халқнинг соғлиғи, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказади. Шунингдек, унинг оқибати давлат бюджетининг камайиши ва ижтимоий жараёнларнинг кескинлашишига сабаб бўлади.

Энг ёмони, камбағаллик ҳолатига тушиб қолишдан кўра ундан чиқиб кетиш кўп қарра қийинроқ. Шу боис, бу масалага давлат ва жамият даражасида жиддий эътибор зарур.

Конференция ишида камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ мана шундай кўп қиррали масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бу бўйича давлат ва партия сиёсати самарадорлиги, ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар натижалари, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари, фуқароларнинг иқтисодий фаоллигини кучайтириш омиллари, илмий жамоатчилик ва фуқаролик институтларининг иштироки ҳамда ўрни каби мавзуларда 20 дан ортиқ илмий мақолалар тақдим этилди.

Очиқ ва қизғин руҳда кечган анжуманда олий таълим муассасалари олимлари, амалиётчи экспертлар, парламент куйи палатаси аъзолари, турли вазирлик-идоралар вакиллари ўзаро фикр алмашди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари: Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ёндашуви ва амалий ташаббуслари” мавзусидаги чиқишда қонунчиликда эришилган натижалар, ўстувор дастурий мақсадлар ва амалий ташаббуслар очиб берилди.

Конференция якунларига кўра, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Албатта, бундай анжуманларда илмий-назарий жиҳатдан асосланган хулосалар ХДП дастурларини ва қонунчилик ташаббусларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши муқаррар.



Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

тадбиркорликка йўналтириш, электрон тижорат имкониятларини кенгайтириш орқали миллионлаб инсонлар камбағалликдан чиқарилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари Хитойда ташкил этилган семинарларда иштирок этиб, бу тажрибани ўрганди. Асосий хулоса шундаки, ҳар бир оиланинг ҳолатига индивидуал ёндашиш, касб-хунарга ўргатиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инфратузилмани яхшилаш камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали йўллари.

ХДП нуқтаи назаридан камбағалликка қарши курашиш – бу фақат ижтимоий ёрдам бериш билан чекланмайди. Бунда, аввало, иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини таъминлаш, самарали меҳнат бозорини шакллантириш, барқарор солиқ-бюджет сиёсати орқали ресурсларни адолатли тақсимлаш, таълим ва касб-хунар тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Партия илгари сураётган амалий ташаббусларда ана шу механизмлар ўз ифодасини топаётганини эътироф этиш жоиз.

Камбағаллик – чуқур ижтимоий муаммо. Унинг ечими давлат сиёсати, маҳалла ва жамоатчилик ҳамда сиёсий партияларнинг ҳамкорлигида амалга ошади.

Камбағалликка қарши курашишда партиямиз стратегияси инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва давлатнинг фаол иштирокига асосланган. Бу жараёнда фақат иқтисодий ўсиш эмас, балки инсон қадри, оилаларнинг бахтли ҳаёти, фарзандларимизнинг муносиб келажаги ўстувор мақсад сифатида белгиланган.



Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Оилаларнинг барқарор даромад манбаига эришиши, бу борада уларни қўллаб-қувватлаш Халқ демократик партиясининг муҳим дастурий мақсадларидан бири ҳисобланади. Самарқандда ўтган конференцияда бу масалага алоҳида урғу берилди.

Камбағалликнинг асосий сабаблари таълимнинг, мунтазам

ва профессионал касб-хунарнинг етишмаслиги, химоянинг керак пайтда кўрсатилмаслиги билан ҳам боғлиқ. Камбағал оилада ўсган болалар керакли таълимни ололмаса, ота-она хунар ва меҳнат билан уларнинг дунёқараши ҳамда интилиш-мақсадлари ўсишига туртки беролмаса, бундай оилада вазият янада мураккаблашиши, эртаси бугунгидан яхши бўлмаслиги турган гап.

Шунинг учун сифатли таълим инсон капитални ривожлантириш, узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий “драйвери” бўлиб қолади.

Битта мисол, камбағал оила болаларини мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш учун шароит яратилади. Бундай оилалар фарзандлари учун хорижий тил ва касб-хунар ўрганишга кетадиган харажатларнинг 80 фоизи қоплаб берилади. Ота-она кичкина фарзандини боғчага қўйиб, меҳнатга уринади, мактаб ёшидаги болалар эса замонавий билим ёки касб-хунар ўрганиш бўйича қулай имкониятларга эга бўлади. Бу оиланинг барча аъзоларига нисбатан манзили, тизимли ёндашув

ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотларни мана шундай ҳаётий ёндашувлар асосида такомиллаштиришга ҳаракат қилинаётгани эса қувонарли.

Камбағалликни қисқартиришда маҳалла ва жамоатчиликнинг роли бекиёс. Чунки, маҳалла – аҳоли билан энг яқин мулоқотда бўлган тузилма сифатида ҳар бир оиланинг ҳолатини, эҳтиёжини яхши билади. Шу асосда “Ижтимоий реестр” орқали ҳақиқий эҳтиёжмандларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш имконияти яратилаётганини ижобий тенденция сифатида баҳолаш мумкин.

Кези келганда айтиш керак, ХДП депутатлари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Улар депутатлик мурожаатлари, сўровлари орқали аҳолининг ижтимоий муаммоларини кўтариб чиқмоқда, сайловчилар билан учрашувларда фуқаролар фикрини тингламоқда ва маҳаллий ҳамда парламент миқёсида турли ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу ишларнинг барчаси пировардида жамиятимизда камбағал оилалар сонини тобора камайтириб, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган.



Мунोजот РАСУЛОВА, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати:

– “Камбағалликдан фаровонлик сари: партиявий ёндашув ва амалий ташаббуслар” мавзусида бўлиб ўтган конференция Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қучли ижтимоий сиёсат юритишдаги қатъий позициясини яна бир бор кўрсатди.

Камбағалликдан фаровонлик сари биринчи, аввало, инсоннинг маънавияти, маърифати муҳим роль ўйнайди. Илмий инсон доимий меҳнат ва ҳаракатда бўлади. Айниқса, ҳозирги замонда билим энг яхши капитал ҳисобланади. Салоҳиятли, масъулиятли кадрга барча соҳада кафолатланган иш ўрни бор. Халқаро меҳнат бозорида ҳам бундай кадрларга талаб юқори. Билимли ва интилувчан инсон тушкунлик,

муҳтожлик гирдобига тушмайди. Демак, таълим соҳасини ривожлантириш камбағалликни қисқартиришнинг энг ишончли ва истикболли йўлидир.

Конференцияда айни масалада олим ва экспертларимиз ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди. Аҳоли, хусусан, ёшларни касб-хунарларга ўргатиш зарурати ҳам илмий асосда талқин қилинди.

Мана шундай чуқур таҳлилга асосланган хулосалар, қимматли таклиф ва тавсиялар биз, депутатлар учун келгуси фаолиятимизда, жумладан, камбағалликни қисқартириш ишлари самарадорлигини ошириш йўлидаги ташаббусларимизда асқотишига шубҳам йўқ.

МУЛОҲАЗА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Айни қиш палласи момонинг лойсувоқли, бир даҳлиз ва бир хонали кичкинагина уйда ўтган нақ уч ойдан унча кўп хотиралар ёдимда қолмаган. Узун тунлари чириллаб йиғлаган синглим бешигини тебратганча тонгга қадар алла айтиб чиққан момонинг кўз ёшлари, нимчасига қадалган қалампирмунчоқнинг ажабтовур хиди ва синглим ухлаб қолгач, “Уйғониб кетдингми? Келақол”, деб бағрига олганча сўзлаб берган эртақларидан, дostonларидан узук-юлук парчаларни эслайман. Кейинчалик билдимки, момонинг қувваи ҳофизаси кучли, урушдан кейинги йилларда бор-йўғи бошланғич таълим олган бўлса-да, зукко, айниқса, ўлан-лапарларга, халқ дostonлари-ю қўшиқларига уста аёл эди.

Гўрўғлининг туғилиши, Алпомишнинг қанотли Бойчибори, Тоҳирнинг сандиқда оқиб келиши, “Ёрилтош”у “Ур, тўқмоқ”ларни илк бор момондан эшитганман. Тинглай-тинглай ухлаб қолардим. Болалик тасаввурим-ла бу эртақ, дostonлардаги қаҳрамонлар қиёфасини хаёлан чизардим.

Орадан, мана, неча ўн йиллар ўтди. Болалагимни эсласам, момонинг айтиб берган эртақлари, дostonлари шуурим пучмоқларида айланади. Энди ўйлаб кўрсам, момонинг ўша айтимларини тинглаш асосида мурғак қалбимда яхшилик, ҳаёт, гуноҳ ва савоб ҳақидаги илк таассуротлар куртак ёзган экан. Бу хотиралар шунчалар қадри ва азизки, момонни ҳамиша чексиз соғинч ва миннатдорлик ҳисси билан эслайман.

Англиянинг Плимут шаҳрида туғилиб, вояга етган Луис Харди 2013 йили маст ҳолда бошқа бир шахсга тан жароҳати етказгани туфайли икки йилга озодликдан маҳрум этилади. Табиатан тажовузор Луис кейинчалик қамоқхона муҳити уни ақлдан оздираёзгани ҳақида сўзлайди. Айтишича, оддий папирос қоғози туфайли чиқадиган жанжал оқибатида маҳбуслар тиш чўткасига ўрнатилган писка-пичоқ билан осонгина бир-бирини сўйиб ташлаши ҳам мумкин бўлган.

Луисни қамоқда оила соғинчи қийнар эди. Хотини ва кичик ёшдаги икки ўғлидан айро яшашдан азобланарди. Лекин бир воқеа юз берди-ю ҳаммаси буткул ўзгарди. У Storybook Dads (“Эртачки дадалар”) дастурига ёзилган эди.

Радиоузатиш соҳасида таҳсил олган Шерон Берри муаллифлигидаги бу дастур ёш болалари бор маҳбусларга студияда эртақлар ўқиб, овозлари ёзилган дисклари оилаларига юбориш имконини беради. Шерон илк бор 2003 йили Дартмур қамоқхонасидаги бўш камерада радиостудия ташкил қилиб, лойиҳасини

БОЛАЛАРИМИЗ ЭРТАҚЛАРГА ЭЛ БЎЛСИН



амалга оширишга киришади. Айтишларича, ушбу студияда йилига юзга яқин маҳбус овози билан 5-6 мингта эртақ ёзилар экан.

Хуллас, Луис ҳам болалари учун ҳафтасига битта эртақ ўқиб бериб, почта орқали жўната бошлайди. Кейинроқ унинг эртақлари ўғиллари ва рафиқасига жуда асқатаётганидан хабар топади. “Эртақларгача рафиқам тунда болаларни тинчлантира олмай, хуноб бўлар экан,” деб эслайди Луис. Ётиш олдида отасининг тили билан айтилган эртақларни тинглаган болакайлар тинч ором ола бошлайди. Бундан ташқари, бу эртақлар болалар қалбидagi ота соғинчини юмшатишга ҳам ёрдам беради.

Луис эртақлар қамоқдаги шафқатсиз муҳитдан омон чиқишида, одамияликни сақлаб қолишида катта роль ўйнаганини эътироф этади. Қамалганидан тўққиз ой ўтиб, у намунали хулқи туфайли озодликка чиқади. Луис қамоқхонадалигида ўғиллари билан кўп ишлар қилишни режалаштириб қўйган, аммо уларга эртақлар ўқиб бериш рўйхатининг биринчи қаторида турар эди (*манба – bbc.com*).

Шаҳарнинг қоқ биқинидаги гўзаллик салонида хушбичим аёл сочини турмақлатяпти.

– Ваапшем олтимшга кирганга, неваралари борга ўхшамайсиз-а?– дейди ҳайратланиб турмакчи киз.

– Ҳа-а-а, энди... – аёл ўриндиқда ястаниб, кўзгудан кўз узмай гапира бошлайди. – Аёл киши ўзини севиши керак, неча ёшда бўлса ҳам, синглим!.. Фитнесга қатнайман уч кунда бир, фақат “диетичий” овқатланаман. Ўзим учун пулни аямайман. Бир йилда камида 4-5 марта чет элга саёҳатга чиқаман. Бугун (*пойтахтдаги энг киммат ресторoнлардан*

бири - муаллиф)да “кругим”даги аёллар учун гапим бор. Би-и-р кўзларини ёндирай барининг! (*хоҳолаб кулади*).

– Йўғ-ей? – оғзининг таноби қочади турмакчи қизнинг.

– Невараларингиз-чи? Улар билан ҳам вақт ўтказасизми?

Навбатини кутиб ўтирган мен беихтиёр суҳбатга аралашаман. Аёл норози қиёфада ўгирилиб қўяди. “Нима ишинг бор?” дегандек энсасини қотириб, қошларини чимиради.

– Ҳаммасининг ўз онаси бор. Керак бўлса, қарайди. Тўртта болани катта қилдим, ҳеч ким менга қарашгани йўқ. Энди ўзим учун ҳам яшашим керакми?!

Зардали жавобдан жим қоламан. Кўз ўнгимда тахминан шу аёл ёшида бўлган, аммо сочлари оппоқ, оқида турмуш ўқубатлари чуқур изларини қолдирган момом гавдаланади. “Бу аёлни ҳам бир кун неваралари мен момонни эслагандай эслармикан? Қандай эслашаркин? Бирор марта бағрига олиб, эртақ айтиб берганмикан невараларига?” – миямда кетма-кет пайдо бўлаётган саволларни жамиятимизга хос кайфият билан унутишга ҳаракат қиламан: “Менга нима?”

Аслида жамиятимизда бу аёл каби ҳаётий матлаблари замонасозликка уйғун бир тоифа пайдо бўлганки, улар совуққонлик билан асрий ва асл қадриятларимизни унутиб юборишдан асло истиҳола қилмай қўйганлар. Бундай тоифани мен ёшларда эмас, кўпроқ ўрта ва катта ёшли авлодда кўряпман. Шунинг учун ҳам оиланинг уч авлод вакиллари бир том остида аҳил-иноқ яшаши, бир дастурхон атрофида таомланиши, айниқса, шаҳарларимизда ноёб ҳодисага айланиб бораётгандек. Оилада бобо-ю момо ва набиралар ўртасидаги оқибат, самимият

ришталари чирт-чирт узилиб кетаётгандек.

Бугун биз ахлоқан заиф ва маънавий дидсиз болалар етишиб чиқаётганидан ёзғираяпмиз. Уларнинг безбетларча хатти-ҳаракатларидан, номақбул сўзларидан ёқа йиртиб қазаблanaмиз. Бироқ бу болаларни айблашга ҳаққимиз бормикан?! Моддият ортидан қувиш ёхуд кунлик рўзғор тебратиш ташивиши бизни фарзандларимиздан маънавий-руҳий йироқлаштириб қўйганига анча бўлди-ку! Улар билан деярли мулоқот қилмаяпмиз. Болаимизнинг нафақат таълими, балки тарбиясини ҳам боғчага, мактабга, керак бўлса, олийгоҳга топириб қўйдик. Қўлига тутқазганимиз – смартфон ва гаджетлар эса бир кун портлаши мумкин бўлган бомба мисоли.

Гоҳо кўкрак керамиз “Ўғлим (ёки қизим) бешта тил билади, IT ни сув қилиб ичиб юборган, фалон давлатга ўқишга кетмоқчи”, деб. Унта тил билмайдими, агар унда қалбий ва руҳий тарбия бўлмаса, нима наф? Бу болаларга Эзгулик, Ҳалоллик, Мехр-оқибат каби катта ҳарфлар билан ёзиладиган сўзларни айтсангиз, масҳаромуз қарашини яширмайдилар ҳам. Ҳақиқат шуки, бу қадар қаҳри қаттиқ, зомбисимон авлодни ўзимиз яратаяпмиз. Оилавий соф муносабатларга, азалий қадриятларимизга тўпурган ҳолда!

Асосан хориж киноларида кўзимиз тушади боласига ухлаш олдида эртақ ўқиб бераётган ота ёки оналарга. Ҳаётда-чи? Балки жамиятимизда шундай одатни урф қилган оилалар бордир, қайсики ўзаро муносабатлари мўътадил, маънавий этикоди бутун. Лекин ота-она кун бўйи ишда ёки мигрант сифатида хорижда, болалар эса кичкина оламида тобора катталашаётган бўшлиқни энг яқин инсонларидан эмас, бегоналар таъсирида тўлдиришга маҳкум, ёши улўғларининг эса на ўрни, на иззати қолган оилаларда ҳеч қачон эртақлар айтилмаяпти. Болаларимизда халқ дostonлари-ю афсоналар ҳақидаги билим ва тасаввур умумтаълимга киритилган дарсликлар доирасида қолмоқда.

Бугун рақамли дунёда яшаяпмиз. Ҳамма соҳа рақамлашиб бормоқда. Лекин ахлоқий-маънавий тарбияни рақамлаштириб бўлмайди. Туйғуларни ҳам. Шундай экан, авлодлар ўртасидаги узилишларга барҳам беришга шошилайлик. Закий халқимизнинг маънавий мероси бўлган эртақлар-у дostonларга болаларимиз қалбида муҳаббат уйғотайлик. Эртақ эшитмаган болаларнинг эзгуликка эл бўлиши қийин, жуда қийин.

Фарида МАҲКАМОВА,
журналист.

МИННАТДОРЛИК

Газетамизнинг шу йил 6 август сонидa “Хайробод” қачон обод бўлади?” сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинганди. Унда Шўрчи туманидаги “Хайробод” маҳалласида жойлашган 11- ҳамда 12-сонли кўп қаватли уйлардаги узoқ йиллик муаммолар кўпчилиқни қийнаб келаётгани ҳақида сўз юритилган. Хусусан, ўтган асрнинг 70 йилларида қурилган турар жойларда oқова сув тармоғи ўрнатилмагани ва атрофни тикан ҳамда бегона ўтлар қоплагани баён қилинганди. Шунингдек, чиқинди ташлаш учун муаммолар юзага келгани-ю ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари ўз ҳoлига ташлаб қўйилгани хусусида фикр-мулоҳаза билдиргандик.

Ўшанда Шўрчи туман ҳокимлиги, “Тоза худуд” давлат унитар корхонаси туман филиали, туман бошқарув сервис компанияси ҳамда “Хайробод” маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари муаммо тез кунларда бартараф этилишига ваъда берганди.

Орадан икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Ҳўш, масала ечим топдимми? – “Ўзбекистон овози” газетаси тахририятига миннатдорчилигимизни билдирмоқчиман, – дейди “Хайробод” маҳалласида истикомат қилувчи Зулфия Сатторова. – Танқидий-таҳлилий



МАНЗИЛЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ХОТИРЖАМ

чиқишдан кейин бир гуруҳ масъуллар келишди. Аҳоли билан учрашиб, ҳолат атрофлича ўрганилди. Техника ва ишчи кучи жалб қилинган ҳолда худуд тикан ҳамда бегона ўтдан тозаланди. Мевали ва манзарали дарахтлар сўғорилиб, уйлар атрофи тартибга келтирилди. Кенг кўламли бунёдкорликлар кўрган кишининг ҳавасини келтириши табиий. Бундан халқимиз, айниқса, ёшлар мамнун.

– Кунлар исичи билан дард-у ташвишимиз кўпайгандан-кўпаярди, – давом этади Розия Махатова. – Чанг, ғубор ва бадбўй хид...

Мақоладан кейин ташланмаларни олиб кетиш тубдан яхшиланди. Кузатув камераси ўрнатиш ҳамда чиқинди соладиган янги жиҳоз келтириш кўзда тутилмоқда. Таъмирлаш ишлари бошланиш арафасида. Бир сўз билан айтганда эса йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич ечим топаётганидан хурсандмиз.

– Баъзи кишиларга хайрон қоласан... – дейди Шўрчи туман бошқарув сервис компанияси раҳбари Хусниддин Бобоназаров. – Бебаҳо бойлик бўлган борлиқ ифлосланадими, ариқ-зовурларга чиқинди ташланадими, кислород манбаи ҳисобланган дарахтлар қўрийдими – фарқи йўқ. “Хайробод”даги нохуш манзарани ҳам шунга қиёслаш мумкин. Ҳамма нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан худуд яна бир бор тозаланиб, ташланмалар олиб чиқилди. Аҳоли билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Тўшунтириш-тарғибот ишлари олиб бoрилаяпти.

Таассуфки, ўз билганидан қолмай иш юритаётганлар ҳам йўқ эмас орамизда. Хайрли амаллардан кўпчилик тўғри хулоса чиқарса, ўйлайманки, тезроқ кўзланган мақсадга эришган бўлардик. Зеро, табиат мусаффолиги ва атроф-муҳит озодалиги учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни ҳеч қачон

эсдан чиқармайлик.

Шу ўринда яна бир янгиликни айтмоқчиман: яқин келажакда болалар майдончаси ва аҳоли дам олиш маскани қуриш ҳам кўзда тутилган. Бу вақт ва маблаг талаб қилишини унутмаслик керак...

– Юртдошларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши қотибият мудири Ботиржон Ражабов. – Аммо ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. “Хайробод”ликларни ярим асрдан ортиқ изтиробга солиб келган масала ҳам ана шундай оғриқли нуқталаримиздан бўлиб келган. Сабабсиз оқибат бўлмайди деганларидек, муаммонинг юзага келишида қатор омиллар бор: биринчидан, собиқ тузум даврида барпо қилинган кўп қаватли турар жойларда оқова сув тармоғи

тортилмагани бўлса, иккинчидан, аҳолининг тозаликка риоя қилмагани ҳисобланади. Энг асосийси эса, лоқайдлик ва ўзибўларчилик ҳолатлари кузатилаётганидир.

Аслида, яратувчанлик ва яшнатувчанлик ҳар биримизнинг кўнгил ишимиз ҳамда фаолиятимиз мезонига айланиши керак. Қачонки, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлсак, шундагина жонажон Ватанимиз янада тараққий этиб, гуллаб-яшнайд. Эртанги кун ва келажакка ишонч уйғонади. Шундай экан, асло бефарқ ва бепарво бўлмайлик.

Ривожланиш ва тараққиёт бор жойда камчилик ҳамда нуқсонлар учраши табиий. Бу турмуш тарзининг ажралмас қисми ва ҳаёт қонуни ҳисобланади. Уларга ечим топиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга айланиши лозим. Шўрчи туман ҳокимлиги масъуллари ҳам долзарб масалани ўз назоратига олиб, қисқа муддатда бартараф қилганидан тўғриси, хурсанд бўлдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТИК-ТОК ФЕНОМЕНИ: РАҚАМЛИ ЭРКИНЛИКМИ ЁКИ ОНГСИЗ ҚАРАМЛИК?

“Бугун кечаси Тiк-Токда фақат бир-иккита видео кўраман, холос”, — деб телефонни қўлига олган ўсмир соат учда ҳам экранга қараб ўтирарди. Кўзлари чарчаган, лекин барибир “сўнггисини кўраман” деб ўзини ишонтирган. Аммо тун ярмидан ошган бўлса ҳам уйқуга тортган кўзлар очиқ, бармоқлар экранни суришда давом этади.

Хар бир янги видео унинг учун янги ҳис, янги хурсандчилик бўлса, уйқудан нима фойда? Лекин эрталаб бош оғриғи ва чарчоқ билан тонг оттирди. Ўзи эса асабий, тажанг, арзимас сабаб бўлиши билан уйдагиларига овозини кўтариб, бақиради, қўли бир ишга бормайди, ўқишга ҳам қизиқиши йўқ...

Бу ҳолат кўпчиликка таниш, тўғрими? Ҳозир кўп болалар бошини телефондан кўтармай худди шундай ҳолатга келгани рост. Бир пайтлар суҳбатлар овози хонани тўлдирган бўлса, ҳозир телефонлар нури юзларимизни ёритиб турибди. Ўсмирларнинг кўпини ижтимоий тармоқлардаги янги видео, янги овоз ўзига оҳанрабодек тортмоқда. У ўзи билмаган ҳолда шу оламга тўлиқ шўнғиб кетган. Дарси ҳаёлига ҳам келмайди, ўқишга келганда диққатини бир жойга жамлай олмайди.

Замонавий технологиялар инсон ҳаётини енгиллаштиргани рост, буни инкор этмаймиз. Унинг ижобий томонлари ҳусусида узоқ гапириш мумкин. Аммо бу инсоният олдида бир қатор салбий жиҳатларни ҳам кўндаланг қилиб қўйди. Авваллари одамларнинг асосан моддий нарсаларга эҳтиёжи бўлса, эндиликда “лайк” ва “просмотр”ларга муҳтожлар кўпайди.

Хўш, нега биз Тiк-Tokда фақат 5 дақиқа қолишни режалаштирамиз-у лекин ярим тунда ҳам уни тарк этолмаймиз? Нега телефон қўлимиздан тўшмай қолди? Афсуски, бугун бу саволлар фақат ёшларни эмас, катталарни ҳам ўйлантирмоқда.

Бугунги кунда рақамли технологияларсиз, интернетсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Хусусан, Тiк-Tok — кўпчилик учун вақт ўтказишнинг энг машхур усулига айланди. Лекин аста-секин шу “оддий кўринишдаги” одат кўп инсонларни рақамли қарамликка туширмоқда.

Газетамизнинг ушбу сонида кўпчилик ота-оналарни, рақамли қарамликка берилган қанчадан-қанча ёшларни, фуқароларни ўйлантираётган ушбу масалага тўхталишни жоиз топдик.

“ТИК-ТОК” — ВАҚТ ЎҒРИСИ (МИ)?

Бугунги авлод учун Тiк-Tok — фақат илова эмас. Бу — дунёни кўриш, дўстлар билан мулоқот қилиш ва ўзини ифода этиш усули. Бугун бу нафақат вақт ўтказиш жойи, балки ижтимоий ҳаёт майдонига айланди. Кимдир у ерда танилади, кимдир бизнес қилади, кимдир илмий маълумот улашади. Лекин шу билан бирга, кўплаб одамлар ҳаётидаги қимматли сонияларни “лайк” ва “скролл” билан ўтказиб юбормоқда. Шу маънода айтадиган бўлсак, у кўпчилик учун у вақтнинг енгил йўқотиш манбаи ҳам.

Интернет статистикасига қараганда, ижтимоий тармоқларнинг бу янги йўналиши миллионлаб ўзбекистонлик ёшларни ҳам ўз ичига қамраб олмоқда, буларнинг аксарият қисми 13-20 ёшдаги фаол фойдаланувчилардир. Психология нуктаи назаридан, айнан шу ёшдаги давр шахснинг шаклланиш даври ҳисобланади.

Шундай экан, бизнинг келажак авлодларимиз ўз мевасини қандай сифатда бериши мумкинлигини энди тасаввур қилайлик-чи, кўз олдимизда нима гавдаланади?

Тiк-Tok нинг жиҳозланган алгоритми инсон диққатини маҳкам ушлаб туради. Қисқа ва қизиқ видеолар туфайли мия доим янги маълумот кутган ҳолда ишлайди. Оқибатда одам “фақат биттасини кўраман” деб бошлайди-ю соатлаб экрандан узилолмайди. Бу ҳолатда вақт, диққат ва энергия сезилмасдан йўқолади.

Бир вақтлар китоблар, суҳбатлар, табиат одамни илҳомлантирган бўлса, ҳозир унга экрандаги 15 сониялик видео етарлидек

туюлади. Бу рақамли наркознинг энг кучли таъсири — у ҳис-туйғуларимизнинг чуқурлигини камайтиради.

Элёр ЗОИТОВ,
ЎЗМУ социология кафедраси мудири,
доцент:

- Тiк-Tok видеолари қисқа, қизиқ ва тез алмашади. Мия доим янги нарсани кутгани учун, одам “яна биттасини кўраман” деб ўйлайди, лекин соатлаб вақт ўтиб кетади. Бу — наркозга ўхшайди: одам онгли равишда эмас, инерция билан ҳаракат қила бошлайди.

Кўплар “мен хоҳласам, чиқиб кетаман” дейишади. Лекин амалга келганда осон эмас. Чунки Тiк-Tok инсондаги табиий қизиқиш, қулиш, янгиликни билиш эҳтиёжини жуда чиройли қондириб беради. Шунинг учун мия ҳар сафар “янги доза” сўрайди.

Бу ҳолатнинг зарари шундаки, одам вақтни ҳис қилмай қўяди, диққати бўлинади, ўқиш ёки ишга бўлган хоҳиши пасаяди. Ёшлар орасида энг катта хавф — реал ҳаётдаги муносабатлар заифлашиши.

Хўш, нима қилиш керак? Биринчи навбатда, ўйланиш керак: телефон сени бошқараяптими ёки сен уни? Агар биринчи жавоб тўғри бўлса, демак, вақт келди, яъни, чек қўйиш ва ўзини қатъий назорат қилиш вақти.

Телефонсиз кеча, китоб билан тонг, дўстлар билан суҳбат — мана шу нарсалар инсонни ҳақиқий ҳаётга қайтаради.

Тiк-Tok ва шунга ўхшаш платформаларнинг ўзи ёмон эмас. Улар ижод, ахборот ва қизиқиш манбаи бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир нарсанинг чегараси бор. Асалнинг ҳам ози ширин деб бежиз айтишмаган. Ҳамма нарса меъёр остида бўлса, ҳеч қандай муаммо чиқмайди. Виртуал оламда йўқотилган вақт қайтиб келмайди ва бунга сарфланган бефойда дақиқалар ҳеч қачон инсоннинг фойдасига ишламайди.

Ҳозирги замонавий дунёда интернет деганларини тақиқлаб қўя олмаймиз, аксинча уни оқилона мақсадлар йўлида ишлатишни ўргатишимиз керак. Шунинг учун телефонни ўчиришдан кўра муҳимроқ нарса бор — ўз онгни ёқиб қўйиш.

Тiк-Токнинг кўз илғамаган салбий жиҳатларини социология фанлари доктори, профессор Хайринисо Хусанова шундай тасвирлаб берди:

— **Тiк-Tok видеолар одатда 10–30 сонияли. Шу сабабли, ёшлар узун фикрлаш, сабр билан тинглаш одатидан узоқлашмоқда. Улар учун “тез ҳис қилиш” муҳим, “чуқур тушуниш” эса зерикарли бўлиб қолмоқда.**

— **“Кесик сўзлар”, “мем”лар, “смайлик”лар нутқнинг ўрнини босмоқда. Бу ёшларда тўлиқ фикр ифодалаш, адабий тилда ёзиш ва сўзлаш қобилиятини сусайтиради.**

— **Тик-ток формати мияни доимий “қисқа сигналлар”га ўргатади. Бу эса ўқиш, китоб ўқиш, узоқ маттни тинглашда қийналишга олиб келади.**

— **Трендларда кўпинча ташқи кўриниш, пул, юмор ёки шов-шув устувор бўлади. Бу ҳолат ёшларда “нутқ орқали эмас, тасвир орқали қадр топиш” туйғусини шакллантиради.**

ПСИХОЛОГ НИМА ДЕЙДИ?

Нодира ШУКУРОВА,
психолог:

- Тiк-Tокнинг асосий кучи унинг алгоритмида. У ҳар бир фойдаланувчига айнан уни қизиқтирадиган видеоларни тақлиф этади. Шу орқали инсоннинг диққати узлуксиз равишда экранга боғланиб қолади. Илмий-тадқиқотларга кўра, мия ҳар бир янги видеода “допамин” ажратади — бу қисқа завқ ҳисси одамни яна ва яна экранга қайтариб туради.

Бир қарашда бу нарса безарар кўринади. Лекин аслида у инсоннинг диққат тизимини бузади. Чунки қисқа, тез ўзгарувчан видеоларга ўрганган мия узоқ вақт фикр

юритишни, сабр қилишни, маълумотни таҳлил этишни истамайди. Оддий тилда тушунтирганда миянинг “дангсалиғи” тутади. Бу — психологик мувозанатнинг секин-аста емирилиши демакдир. Борган сари руҳий ҳолат ёмонлашади.

Яна бир хавф бор. Айтиайлик, Тiк-Tокдаги контентнинг катта қисми ҳаётни сунъий гўзал, муваффақиятли ва қизиқ кўрсатади. Бу эса ёшларда таққослаш синдромини келтириб чиқаради: “Нега мен шундай яшамаяпман?”, “Нега менда шундай ҳаёт йўқ?” каби саволлар ортиб, ички норозилик пайдо бўлади. Бора-бора бундай инсонда ҳаётдан ҳафалик, турмушдан нолиш каби ҳислар кўпаяверади. Бу бошқаларга, айниқса, яқинларига нафратни кучайтиради. Бундай норозилик кайфияти ҳаттоки ёшларни ўзини ўлдиришигача олиб келади.

Ахлоқий жиҳатдан ҳам олиб қарасак, бу жараён жиҳдий тахлилни талаб қилади. Чунки қисқа ва таъсирли видеолар орқали инсон кадриятлари секинлик билан ўзгараяпти. Чуқур фикр, маъно, сабр, меҳнат тушунчалари тез завқ ва кўнгилочар контент оқишида четда қолиб кетмоқда.

Албатта, Тiк-Tok ва умуман рақамли платформаларни тўлиқ рад этиш ечим эмас. Замонавий дунёда, ҳозирги ривожланган даврда, техника асрида бунинг иложи

Натижада ёшлар орасида ахлоқсиз, масъулиятсиз, мақсадсиз бир қатлам пайдо бўлди. Бундай инсонлар кўпайиб бораверса, хавф-хатар янада катталашади, энг муҳим бойлигимиз бўлган ёшлар тарбиясига, миллий кадриятларга, маънавиятга, миллий хавфсизликка тажовуз кучаяди.

Гулнора ОДИЛОВА,
ўқитувчи:

- Ўэтибор қилинг, янги-янги усуллар, технологиялар кашф этилиб, дунё бўйлаб ёшлар онгига мақсадли сингдирилмоқда. Ушбу оқимлар, йўналишлар ва ҳодисалар мажмуасининг мафкуравий бўёғи аяққол кўриниб турибди.

Эсингизда бўлса, бир неча йил аввал Наманганда мактаб ўқувчилари ўртасида мушшлашув акс этган тасвирлар тарқалди. Кейинчалик маълум бўлдики, бу ўқувчилар томонидан атайин уюштирилган бўлиб, уларнинг мақсади ушбу ҳолатни Тiк-Tок ижтимоий тармоғига жойлаштириб, пранк қилиш орқали машхурликка эришиш бўлган. Бундай воқеаларни кўп қузатяпмиз ҳозир. Бу зўравонликка тарғибми?

Интернет тармоқларидаги турли ҳаёсийликлар, зўравонлик ва ёвуз ғоялардан ёшларни асраш учун қатъий

чоралар қўрилмаса, эртага оғир муаммоларга дуч келишимиз аниқ. Ёшлар тарбиясига бўлаётган таҳдидларга юмшоқ муносабатда бўлиш хавф-хатар кучайишига имкон беради. Тарбияси издан чиқиб, шарм-ҳаёсини, ор-номуси, ғурурини йўқотиб қўйганларни қайта тарбиялаш ўта мушкул иш. Биз уларга насихат қилиб вақт ўтказамиз, бу орада улар яна қанчалаб ёшлар тарбиясига путур етказишади.

Унутмайликки, Тiк-Tok бугун янги авлоднинг дунёқарашини шакллантираётган кучли восита. Шунинг учун жамият, ота-оналар ва таълим тизими бу жараённи етарлича англаб,

рақамли муҳитда соғлом маданиятни шакллантириши зарур.

Ёшларда ахборотни саралаш “филтри” йўқлиги эътиборга олинса, масаланинг нақадар муҳимлиги ойдинлашади. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар аъзолари сони ҳам ёшлар ҳисобига ошиб бормоқда. Демак, ёшларни интернет таҳдидларидан ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Технология аслида нейтрал ҳисобланади. Ундан фойдаланиш йўли унинг натижасини белгилайди: инсон ундан фойдаланадими, ёки у инсондан? У биздан, ёшларимиздан фойдаланишига йўл қўймайлик!

ОТА-ОНАЛАРНИНГ МУНОСАБАТИ

“Болаларимнинг Тiк-Tокдан фойдаланишидан хавотирланаман, албатта. Вақти беҳуда кетиши ва нотўғри контент билан танишишидан қўрқаман”;

“Қизим ҳар доим видео кўраман, деб ўтириб қолади, уй ишини ёки китобни унутиб қўяди. Бу мени чуқур ташвишга солади,” — дейди бир она.

Бошқа ота-оналар фикрича эса Тiк-Tok ёшлар учун ижодий имконият ва билим олиш макони бўлиши мумкин.

“Кўлдан келса, фарзандимнинг ижодий видеолари билан танишиб, уни қўллаб-қувватламоқчиман”.

ЁШЛАРНИНГ ФИКРИ

“Ҳаммаси қандай мақсадда фойдаланишга боғлиқ. Масалан, мен Тiк-Tокдаги илмий ва миллий кадриятларга оид видеолардан жуда кўп нарса ўрганаман, улар орқали дарс тайёрлайман, янги, билмаган илмларни ўзлаштираман. Бу мен учун фойдали ва керакли, деб ўйлайман”.

“Мен видеолар орқали ўз ижодимни кўрсатаман ва янги контентни ўрганаман”.

“Тўғриси, баъзан вақтимга ҳам ачинаман. Ўзимни бошқара олмаслигимдан қийналаман”.

Хуллас, рақамли дунёда кимдир ўзини йўқотади, кимдир ўзини топади. Вақтни, фикрни ва қалбни асраган одам учун у фойдали макон бўлиши мумкин. Шуни унутмайлик!

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.





ХОТИРА-АЗИЗ

ФИДОЙИ ИЖОДКОР ЭДИ

Ўзбекистон журналистика оламида ўзининг ибратли жиҳатлари билан танилган ҳамкасбларимиз анча-мунча. Шу ҳақда гап кетар экан, бизда ўтмиш ҳақида аниқ тасаввурга эга, яъни, бой анъаналардан хабардор ва янги замон талабларига ҳам “лаббай” деб жавоб берувчи ижодкор бормикан, деган савол туғилди. Шундай фазилатларга эга ҳамкасбларимиздан бири сифатида яқинда 82 ёшида оламдан ўтган Носир Тоиров деган акамизни кўрсатган бўлардим.

Ўзбекистон тарихида Абдулҳай Тоиров деган давлат арбоби ўтган. Бу зот Тошкент ва Сирдарё вилоятларида кўриқ ерларда пахта етиштириш соҳасида мактаб яратган, ишлаб чиқариш командири бўлган. Носирхон ака ана шу инсоннинг жияни эди. У ўз амакиси билан камарбаста бўлган, у кишига бевосита шогирд ҳисобланган зотлар ҳақида қатор тадқиқотлар ўтказди.

Носирхон ака партия, совет идораларида ишлаган бўлса-да, умрининг катта қисмини журналистикага бағишлади. “Бугун кўпчилик газетахонлар қайси мавзуга қизиқадилар” деяр ва ўзи ўша йўналишда очерк, публицистик мақола ёзишга интилар эди. Бундан 3-4 йил муқаддам “Сирдарё вилоят газетаси ярим асрлик йўлни босиб ўтди, шундан хабарингиз борми?” деб сўраб қолди. Мен “Ахир Сиз Тошкент вилоятининг Қибрай туманида яшасангиз, нега бу масалага қизиқяпсиз?” деган гапни айтдим. “Сирдарёда матбуот яхши тарихга эга, уларни эслаш менга мароқ бахш этади” деганида бу инсоннинг чинакам ватанпарвар эканлигига ишондим.

Носирхон ака юртимизда рўй бераётган воқеаларни синчковлик билан кузатар ва Янги Ўзбекистоннинг янги одимларидан ҳамиша қувонарди. Эришаётган ютуқларимиздан бошқа мамлакатларнинг ўқувчилари хабардор бўлишсин, деган ниятда рус тилида ҳам ижод қиларди. Ижтимоий тармоқнинг “Новости Узбекистана” саҳифасида Носир Тоиров имзоси остида ранг-баранг материалларнинг аксарияти шов-шувларга сабаб бўлганини яхши эслаймиз.

Шароф Рашидов хотирасига бағишлаб ижод қилиш у киши учун сеvimли мавзулардан бири эди. Шу йил 26 июнда Шароф Рашидов номидаги паррандачилик



МЧЖ да маънавий-маърифий тадбирни ташкил этишда Носирхон ака алоҳида жонқуярлик кўрсатди. Бунда ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, шoir ва публицист Шароф Рашидовнинг китоблар тўплами корхонага тантанали равишда топширилди. Шу муносабат билан “Шароф Рашидов – Ватан ишқида ёнган атоқли адиб” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Носирхон ака гап орасида “Бугунги ёшлар Ўзбекистоннинг келажаги учун курашган мард ва танги боболаримизнинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан танишишлари шарт” деган сўзни кўп такрорларди. Ахир биз ўз тарихимизни, яъни, ўзлигимизни яхши билмасак, қандай ватанпарвар бўламиз?! Ана шу эзгу ниятда Носир Тоиров туркум мақолалар эълон қилди. Бугунги кунда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийларини вақти-вақти билан йўқлаш Носирхон аканинг яхши одатларидан эди. Шахсан мен ўзим 90 ёшдан ошган ЎзХДП фахрийси Собир Қурбонов хонадонига у кишининг ташаббуси билан бирга бориш насиб этган. Бундай суҳбатларда ёшларни Ватанга муҳаббат, халқимизга садоқат руҳида тарбиялашда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида гурунглار қилдик.

Таржимонлик ижод оламининг муҳим соҳасидир, дерди у киши. Адабий ҳаётда таржима бўйича Огаҳий мукофоти таъсис этилганда Носирхон ака жуда қувонган, айни муддао бўлди, деб хурсанд бўлганди.



ШОГИРДНИНГ УСТОЗГА ЭЪТИҚОДИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИНИ НОСИР ТОИРОВ МИСОЛИДА КЎРИШ МУМКИН. ЁШЛАРГА МЕҲРИБОН, ИЖОДДА ФАОЛ НОСИРХОН АКА ҲАМ ХАЁЛИМИЗДА АЖОЙИБ УСТОЗ СИФАТИДА ҚОЛАДИ.

Камина Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйида чоп этилган “Ўзбекистонда ким яхши яшайди” сарлавҳали китобимни дастхат билан топширганимда кўп ўтмай шу китобдан лавҳаларни “Голос Узбекистана” газетасида эълон қилганди. Ўшанда рус тилида ижод қилаётган ҳамкасбларимиз табриклашганларидан таржима маъқул бўлганини билган эдим.

– Мен таржимонлик бобида Асил Рашидовни ўзимга устоз ҳисоблайман, – дерди Носир Тоиров. – У кишининг таржималарини ўқиб, Чингиз Айтматов ўзбекча ёзганимкин, деб ўйлардим. Халқимизнинг табиатини таржимада ҳисобга олишимиз керак. Масалан, кечаю кундуз узлуксиз режимда ишланадиган жойда 7/24 деган рақамни кўрамиз. Шуни ўзбекчага ўгиришда 24/7 деб олиш кераклигини ҳамма ҳам билавермайдми.

Дарҳақиқат, Носирхон акани Асил Рашидов ҳузурида кўп кўрганман. Шогирднинг устозга эътиқоди қандай бўлишини Носир Тоиров мисолида кўриш мумкин. Ёшларга меҳрибон, ижодда фаол Носирхон ака ҳам хаёлимизда ажойиб устоз сифатида қолади.

Шўҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист.

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ



Ҳакимнинг уч кўроли бор:
сўз, гиёҳ ва тигъ.

Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт.

Илм – нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишлиқдир.

Кундалик ризқ кўп, қайғураверма. Шу билан бирга мол орттираман, деб ўзингни кўп қийнаверма. Чунки ҳар ким ўз насибасидан ортиқ битта ҳам дон ея олмайди.

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса хирс ва ғазабдир.

Ёрдам беришнинг гўзаллиги ундан кишининг тасалли топишида кўринади.

Ҳар ким ҳодисалардан ибрат ола билса, боши қаттиқ отга ўхшаган бу фалак унга бўйсунма беради.

Инсон токи ўзини майда гап, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳу воҳлардан озод қилолмас экан, у ифлос ва пастлик табиатидан халос бўлолмайди.

Яхшиликларнинг энг фойдалиси садақадир.

Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.

Ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадаг ўхшайди.

Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.

Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улўғ саодатни ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим.

Абу Али ибн СИНО



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси партия фахрийси

Носир ТОИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



“UzAuto Motors” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида

ҲУРМАТЛИ
АКЦИЯДОРЛАР!

ХАБАРНОМА

“UzAuto Motors” АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил 26 сентябрдаги баённомасига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2025 йил 24 октябрь куни 15:00 да ўтказилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши акциядорлар умумий йиғилишларини масофадан туриб интернет тармоғида онлайн режимда ўтказишга мўлжалланган “Электрон овоз бериш - eVOTE” (<http://evote.uz/>) электрон овоз бериш сервиси орқали ўтказилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини



ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2025 йил 20 октябрь ҳолатига тузилади. Ушбу санада тузилган реестрга киритилган акциядорлар 2025 йил 24 октябрь кунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашадилар.

Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили): Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темуր кўчаси, 13- уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzautomotors.com

КУН ТАРТИБИ:

- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Тему́р кўчаси, 13- уй манзилида жойлашган жамиятнинг бош офиси

биносида 2025 йил 2 октябрь кунидан 2025 йил 23 октябрь кунига қадар, иш кунлари соат 10:00 дан 15:00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорлар <http://evote.uz/> интернет сайтининг электрон овоз бериш сервиси орқали йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилганлиги ҳақида электрон хабар олган вақтдан бошлаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорлар сифатида рўйхатдан ўтган, деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида электрон овоз бериш сервиси орқали иштирок этиш қоидалари (шартлари) билан <http://evote.uz/> сайтида танишиб чиқишингизни сўраймиз.

Телефон: 78 140-55-40
(3-1729 ва/ёки 1727#)
Жамият Кузатув кенгаши.

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV